

---

**СЎЗ САНЪАТИ ЖУРНАЛИ**  
**JOURNAL OF WORD ART**  
**ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА**

---

**МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ АСТРОМИФОЛОГИЯСИДА**  
**ТЕМИР ҚОЗИҚ ЮЛДУЗИ**

**Маматкул Жўраев,**

ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти директорининг ўринбосари, филология  
фанлари доктори, профессор  
mamatkul@yandex.com

<http://dx.doi.org/10.26739/prefix>

**For citation:** Jurayev M. Linguist - Polar star in the astral mythology of Central Asian. International Journal of Word Art. 2018, vol. 1, issue 1, pp. 48-55.



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2018-1-6>

*Келиб тушган сана 22 январ, 2018*  
*Эълон қилинган сана 20 феврал, 2018.*

---

**АННОТАЦИЯ**

---

Ушбу мақолада Марказий Осий халқларнинг Темир қозик, Оқбўзот ва Кўкбўзот юлдузлари билан боғлиқ астраль қарашларининг генетик асослари таҳлил қилинган. Палеофольклористик таҳлил асосида юлдузлар тўғрисидаги қадимий космогоник мифлар сюжетининг генетик асослари ва типологик жиҳатдан муштарак мотивлари аниқланган.

**Калит сўзлар:** астраль миф, фольклор, космоним, астромифология, мифологик қараш, афсона, сюжет, мотив.

---

**ПОЛЯРНАЯ ЗВЕЗДА В АСТРОМИФОЛОГИИ НАРОДОВ**  
**ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ**

**Жураев Маматкул,**

доктор филологических наук, профессор. Зам. директора института узбекского языка, литературы и фольклора АН Узбекистана

---

**АННОТАЦИЯ**

---

В данной статье анализируются специфические особенности астральных воззрений народов Центральной Азии, связанных с звездами Темир қозик (Полярная звезда), Акбузат и Кукбузат. На основе палеофольклористического анализа выявлены генетические истоки и типологические параллели традиционных мотивов сюжета древних космогонических мифов.

**Ключевые слова:** астральный миф, фольклор, космоним, астромифология, мифологические представления, легенда, сюжет, мотив.

---

## POLAR STAR IN THE ASTRAL MYTHOLOGY OF CENTRAL ASIAN

**Mamatkul Juraev,**

doctor of philological sciences, professor

## ABSTRACT

In this article, specific features of the astral views of Central Asia associated with the stars Temir qoziq (Polar Star), Akbozat and Kokbozat are analyzed. On the basis of paleofolk analysis, the genetic sources and typological parallels of the traditional motifs of the plot of the ancient cosmogonic myths were revealed.

**Keywords:** astral myth, Uzbek folklore, cosmonym, astral mythology, mythological representations, legend, plot, motive.

Осмоннинг шимолий ярим шарида кўринувчи ва бошқа юлдузлардан фарқли равишда, ўз ўрнини ўзгартирмайдиган Кутб юлдузи туркий халқлар космонимиясида "Темир қозик", "Кутб юлдузи" (ўзбекча), "Алтын қазық", "Темир қазық" (қозоқ), "Тимер қазық йондозо", "Алтын бағана" (бошқирд), "Темир қазық жылдызы", "Кут жылдызы" (қирғиз), "Демиргазык йылдызы" (туркман), "Алтын теек" (яъни "Олтин таёқ"), "Тигір тундугі" (яъни "осмоннинг мўриси", ҳақасча) каби номлар билан аталган. Анадўли туркларининг лаҳжасида "demir kazik", "demir dirak", "dir kazik" деб юритилади. X-XIV асрга оид болқар ёзма ёдгорликларида ҳам бу юлдуз номи "Темир қазык" тарзида қайд этилган. Ўрта асрларда яратилган "Аттуҳфатуз закияту филлуғатит туркия" номли луғатда ҳам "т?мір қазуқ" - Темир қозик атамаси келтирилган. "Алтан гадаһан" (мўғул), "Алтан һасн" (қалмиқ), "altan ?adasu odun" (қадимги мўғул тили) атамалари ҳам "олтин қозик" маъносини билдиради.

Туркий халқларнинг астраль мифологиясида Темир қозик юлдузи нафақат осмон, балки бутун оламнинг қоқ ўртаси деб тасаввур қилинган. XI асрнинг улуғ тилшуноси Маҳмуд Кошғарий бу космонимни изоҳлаб, қуйидагиларни ёзган: "қозунуқ - қозик. Кутб юлдузини "Темур қозунуқ" дейиш ҳам шундандир. Темир қозик демақдир. Чунки осмон бунинг устида айланади<sup>1</sup>.

Қадимги шомон мифологиясида оппоқ самовий от боғлаб қўйилган бу юлдуз "Олтин қозик" деб аталган. Кўпгина халқлар мифологиясида олам ўқи, самога қоқилган қозик ёки олам устун сифатида тасвирланган бу юлдузга от, буғу, лось ва бошқа ониворлар боғлаб қўйилганлиги ва овчи, бўри, ўғрилар уларнинг орқасидан қувиб юриши ҳикоя қилинади. Маълумки, тунда осмондаги юлдузлар ҳолати ва ҳаракатини кузатган киши Темир қозик юлдузи бошқа самовий ёритқичлар каби муттасил ҳаракатланмасдан, бир жойда муқим туришини сезади. Бу юлдузнинг осмон сферасида ўз жойини сира ўзгартирмаслиги сабабли уни оламнинг маркази, деб тасаввур қилишга асосланган мифологик қарашлар келиб чиққан.

Темир қозик юлдузининг бошқа осмон жисмларига нисбатан ўзгармас, яъни ҳаракатсиз бўлиб туюлишининг сабаби, Кутб юлдузи ернинг ўқи билан бир чизиқда жойлашганлигидир. Шунинг учун ҳам ер ўз атрофида айланиши натижасида амалда бўладиган вақт айланмаси доирасида заминда туриб қузатаётган кишининг кўзига ўзгармас нуқтадай бўлиб кўринади. Аслида эса осмондаги бошқа самовий жисмлар, юлдуз ва сайёралар сингари Темир қозик юлдузи ҳам мисли кўрилмаган тезликда фазовий кенгликда ҳаракат қилади. Бу замонавий фалакшунослик илмининг хулосалари асосида бугунги кун кишининг тасаввурлари, албатта. Аммо

1. Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. Т.3. - Тошкент: Фан, 1960. - Б.393.  
(Makhmud Koshgari. Devon dictionary Turkish. Т.3. - Tashkent: Science, 1960. - P.393.)

қадим замонларда яшаган одамлар ўз кузатишларига асосланиб туриб, бу юлдуз ҳеч қачон ўрнини ўзгартирмайди деган хулосага келганлар. Сибирдан топилган археологик обидалардаги астромифологик тасаввурларни ўрганган Б.А.Фроловнинг аниқлашича, Темир қозик юлдуздан тунги ориентация манбаи сифатида фойдаланиш анъанаси тош асрида яшаган одамларга ҳам маълум бўлган экан<sup>1</sup>. Темир қозикнинг осмон харитасидаги ўрни ўзгармаслигини қадим замонлардаёқ яхши пайқаган аждоқларимиз ундан асосий тунги ориентация манбаи сифатида фойдаланиб келишган. Бинобарин, Ўрта Осиёда яшовчи этнослар учун ҳам бу юлдуз қадимдан кечаси дунё томонларини аниқлаш воситаларидан бири вазифасини ўтаб келган<sup>2</sup>.

"Темир қозик" космонимининг вужудга келиши ва умуман, дунё халқлари астраль мифологиясида Қутб юлдузининг "қозик"қа менгзалиши анъанаси мазкур самовий жисмининг ўз ўрнини ўзгартирмаслиги тўғрисидаги халқ қарашлари билан алоқадор. Зеро, бу юлдуз тўғрисидаги астраль мифларда ҳам ана шундай кузатишлар натижасида орттирилган ҳаётий тажрибаларнинг ифодаси сезилиб туради. Жумладан, қирғизлар эътиқодича, Жетиген - Катта айиқнинг олти юлдузи Темир қозикнинг отларидир. Жетигеннинг еттинчи юлдузи эса қозик бўлиб, Қутб юлдузи ўзининг олти тулпорини ана шу қозикқа арқон билан боғлаб қўйган эмиш. Бошқирлар ҳам "Тимер казык йондозо"ни кўк гумбазининг ўзаги, асоси деб ҳисоблаганлар ҳамда тунда шу юлдузга қараб сафар йўналишини белгилашга одатланишган. Татар, бошқирд халқлари

Темир қозик юлдузини осмоннинг маркази деб тушунадилар ва "Алтын казык" деб атайдилар. Татар халқ мақолларидан бирида "Ойга қараб адашсанг Олтин қозикқа отингни боғла" дейилиши ҳам бу юлдуз муҳим ҳаётий аҳамиятга эга бўлганлигини кўрсатади. Тоғли олтойликлар эпосида Кенжекей деган бир баҳодир Темир қозик юлдузига отини боғлаганлиги тасвирланган. Минусин татарлари мифологиясида бу юлдуз тангриларнинг от боғлайдиган қозиги. Афсонада нақл қилинишича, тангриларнинг бир оти бор экан, улар бу отни эшигининг олдидаги олтин қозикқа боғлаб қўйишаркан.

Қадимги туркийлар Кичик айиқ юлдузининг олдиндаги тўрт ёритқичини арава деб тасаввур қилганлар. Колган уч юлдузнинг иккитаси ана шу аравани тортиб юривчи отлар бўлиб, учинчиси бу отлар боғлаб қўйилган Темир қозик деб ҳам тасаввур қилишган<sup>3</sup>. Қозоқлар тасаввурича, тунги осмоннинг шарқий тарафида жойлашган Темир қозик юлдузи аслида тангрининг олтин қозиги бўлиб, унга тангри ўз отларини боғлар эмиш. Темир қозикнинг ёнидаги қўш юлдуз тангрининг бўз отлари, дейдилар.

Ўзбек фольклорида ҳам Темир қозик юлдузи тўғрисидаги бир неча мифлар сақланиб қолган. 1810 йилда Хивада бўлган рус сайёҳи Н.Муравьев маҳаллий аҳолининг астрономик қарашлари ҳақида ёзар экан, Демир қозик юлдузи бутун оламнинг ўқи ва осмон унинг теварагида айланади, деб тасаввур қилинганлигини алоҳида қайд этган эди<sup>4</sup>. Навоий вилоятининг Қизилтепа туманидаги Қалъаи азизон қишлоғида яшовчи Амина Ҳотам қизидан 1991 йилда ёзиб олинган мифга

1. Фролов Б.А. К истокам первобытной астрономии // Природа. - М., 1977. - №8. - С.96-106.

(Frolov B.A. To the sources of primitive astronomy // Nature. - М., 1977. - № 8. - P.96-106.)

2. Лившиц А.И. Описание киргиз-казачьих и киргиз-кайсагских орд и степей // Северный архив. - М., 1825 (www/vostlit.ru).

(Livshits A.I. Description of Kirghiz-Cossack and Kirghiz-Kaytsag hordes and steppes // Northern archive. - М., 1825 (www / vostlit.ru).)

3. Bahaeddin Ogel. Turk mitolojisi (kaynaklari ve aciklamalari ile destanlar). - Ankara, 1995. - s.184.

(Bahaeddin Ogel. Turkish mythology (epics and explanations and legends). - Ankara, 1995. - p.184.)

4. Муравьев Н. Путешествие в Туркмению и Хиву в 1810 и 1820 годах. - М.: Типография Августа Семена, 1822. - С.138.

(Muravyov N. Journey to Turkmenistan and Khiva in 1810 and 1820. - М.: The printing house of Augusta Semyon, 1822. - P.138.)

кўра, Ер Темир қозикқа оҳанграбо билан боғланганлиги учун бир текисда айланар эмиш. Шунинг учун ҳам Темир қозик юлдузи ҳеч қачон жойидан жилмайди дейдилар. Кечаси кечаси йўлдан адашганлар ана шу юлдузга қараб борадиган манзилларининг жойини топиб борадилар<sup>1</sup>.

Халқимизнинг Темир қозик юлдузининг пайдо бўлиши билан боғлиқ астраль мифларидан бири 1965 йилнинг 4 апрель куни Раҳматулла Юсуф ўғли томонидан ёзиб олинган. "Темир қозик" номли бу мифда айтилишича, Оланғасар деган паҳлавон ўзининг овлаган олқорларини илиб қўйиш учун осмоннинг ўртасига бир темир қозик қоқибди. Буни кўрган худо аччиқланиб кетибди. У фаришталарини тўплаб:

– Бу Оланғасар ерни оёқ ости қилгани етмагандай энди менинг осмонимни ҳам тешибди. Қўйиб берсам, бутун оламни остин-устин қиладиганга ўхшайди, — деб ерга қарата бир неча маротаба тўп оттирибди. Худонинг тўпларидан отилган ҳар бир ўқнинг катталиги нақ тоғдай бўлишига қарамасдан, Оланғасар уларнинг ҳаммасига чап бериб, қутулиб қолибди. Ўшандан бери ер юзидан катта-кичик тоғлар пайдо бўлиб қолган экан.

Худо қарасаки, Оланғасар бўйи осмонга тегай-тегай деб юрганмиш. Шунда у ерга қараб қаттиқ пуфлаган экан, ер юзидаги уммонлар музлаб қолибди. Ер юзидан тошлар тушгандан сўнг уммонлар суви тошиб, ҳамма жойни сув босган, Оланғасар ҳам тиззасигача сув кечиб юрган экан. Ҳамма жой музлагандан кейин Оланғасарнинг ҳам бўрбойидан пасти қўшилиб яхлаб, қирқилиб, синиб тушибди. Оланғасар "туп"

этиб, уммоннинг ўртасига ағдарилиб тушиб ҳалок бўлибди. Оланғасар қоққан қозик ҳалиям осмонда бор эмиш. Шунинг учун Темир қозик юлдузининг туби совуқ бўлар экан<sup>2</sup>.

Бу афсонада Оланғасар яратувчи самовий образ - димиург сифатида намоён бўлади. Унинг "олқорларини илиб қўйиш учун" осмонга қозик қоқиши - афсонада тасвирланган биринчи самовий жараён бўлиб, бу билан юқори олам - Кўкка йўл очилади. Умуман, қадимги мифларда ўзга оламга тешик орқали ўтиш мотиви кўп учрайди. Бунинг устига туркий халқлар билан ёнма-ён яшаган эвенклар эътиқодича, "Буга сангерик", яъни Темир қозик юлдузи осмоннинг тешиги ёки туйнуги бўлиб, юқори оламга ўша тешик орқали ўтилар эмиш<sup>3</sup>.

Қутб юлдузини кўкнинг эшиги ёки туйнуги сифатида талқин қилиш бошқа туркий халқларга ҳам маълум. Тоғли олтойликларнинг мифологик тасаввурларига кўра, кўк тўққиз қават бўлиб, Қутб юлдузи унинг бешинчи қатида жойлашган. Кўкнинг олтинчи қатида ой, еттинчи қаватида қуёш жойлашган бўлиб, кўк тангри макони тўққизинчи қат ҳисобланган. Қутб юлдузи бир замонлар шомонлар томонидан тешилган тешик эмиш. Кўкка сафар қилган шомонлар ана шу эшик-тешиккача боришар, аммо ундан нарига ўтолмай қайтиб ерга тушишар экан<sup>4</sup>. Овчи ўзининг ўлжасини осиб қўйиш учун осмон гумбазига қоққан қозик юлдузга айланиб қолганлиги ҳақидаги мифологик сюжет қирғиз фольклорида ҳам мавжуд.

Осмонга қозик қоқилиши мотиви қадимги туркийларнинг олам устунни

1. Муаллифнинг фольклор экспедицияси материаллари. Навоий вилоятининг Қизилтепа туманидаги Қалъаи азизон қишлоғида яшовчи Амина Ҳотам қизидан 1991 йилда ёзиб олинган.

(Materials of the author's folklore expedition. Amina Hotam's daughter living in Qal'ai Azizon village in Kuzyltepa district of Navoi Province in 1991.)

2. ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор архиви. Инв.№1443/1.

(Folklore archive of the Institute of Uzbek Language, Literature and Folklore of Academy of Sciences of Uzbekistan. Inv.№1443 / 1.)

3. Василевич Г. Ранние представления о мире у эвенков // Исследования и материалы по вопросам первобытных религиозных верований. - М., 1959. - С.162.

(Vasilevich G. Early concepts of the Evenk world // Studies and materials on the issues of primitive religious beliefs. - M., 1959. - P.162.)

4. Bahaeddin Ogel. Turk mitolojisi (Kaynaklari ve aciklamalari ile destanlar). - Ankara, 1995. - s.184.

(Bahaeddin Ogel. Turkish mythology (sources and explanations and legends). - Ankara, 1995. - p.184.)

вазифасини бажарувчи "ибтидо қуроли" – афсонавий ҳасса ёки таёқ тўғрисидаги мифологик тасаввурларига боғланади. Мифлар талқинига кўра, бир учи осмонга, иккинчи томони ерга қадалиб турган бу таёқ воситасида юқори ва қуйи оламларга ўтадиган йўл-туйнуқлар очилган эмиш. "Олам ўқи" саналган бу афсонавий таёқнинг заминга қадалиб турган жойи - ернинг киндиги бўлса, учи тегиб турган жой - Темир қозик юлдузи экан<sup>1</sup>. Кейинчалик ана шу "ибтидо қуроли" образининг турли бадиий мифологик муқобиллари келиб чиққандан сўнг мифларда самовий қахрамоннинг ибтидо чоғида осмонга қозик қоқиши мотиви шаклланди. Темир қозик юлдузи ҳаминша бир жойда туришига кўра, аждодларимиз уни оламнинг ўқи жойлашган нуқта деб билганлар.

Темир қозик ҳақидаги ўзбек мифида Оланғасарнинг осмонни тешганидан газабланган худо ерга тошлар отиши мотиви ҳам қадимги астраль мифологияга алоқадор сюжет элементидир. Чунки бурят мифларида айтилишича, Темир қозик юлдузи осмонга очилган эшик бўлиб, у ҳар доим ҳам очиқ бўлавермас эмиш. Ўша эшик очилганда кўкдан юлдузлар учар эмиш. Демак, кўк эшиги очилганда ундан самовий жисмларнинг ерга тушиши (бурят мифида "юлдуз учиши" ҳодисаси шундай изоҳланган) тўғрисидаги мифологик тасаввурлар ўзбек астраль мифида осмондан тош ёғилиши ва совуқ ҳавонинг пуфланиши мотивлари учун асос бўлиб хизмат қилган.

Ушбу юлдуз осмон гумбазининг шимолий ярим шарида жойлашганлиги сабабли уни совуқлик тимсоли тарзида талқин қилиш анъанаси келиб чиққанга ўхшайди. Бухоро вилоятининг Қорақўл туманидаги Чандир қишлоғида яшовчи Алижон Аллабергановнинг айтишича, "чўлда чўпонлар кечаси адашиб қолса,

йўлини Демир қозик юлдузига қараб топиб олишади. Чўпонларнинг айтишича, йил давомида бу юлдуз ўз жойини ўзгартирмайди. Шунинг учун чўпон-чўлиқлар суҳбатида бўлсангиз "Демир қозик томона қарап юрасенг Газлидан барип чиқасин", "Демир қозиги танимасанг чўпонлардан сўра", "Демир қозик томондан бир қотти сўвиқ бўливодир, сумекингача кесип ўтади" каби гапларни эшитасиз"<sup>2</sup>. Биз 1993–2008 йилларда ўтказган экспедицияларимиз давомида Темир қозик юлдузи билан боғлиқ ана шундай тасаввурлар Қорақўл туманининг Жигачи, Хирс, Кулончи, Олот туманининг Кўл Човдир қишлоқларида ҳам мавжудлигини аниқлаган эдик.

Бизнингча, Темир қозик юлдузи шимолий ярим шарда жойлашгани учун аждодларимиз унинг туби совуқ бўлади деб ўйлаганлар. Бунинг сабабини изоҳлаш учун эса худонинг пуфлаши ва ер юзидаги уммонларнинг музлаши ҳақидаги мифологик тасаввурни ҳам афсона сюжетига киритганлар.

Ўзбек фольклорида Темир қозикнинг яқинидаги Оқбўзот билан Кўкбўзот юлдузлари тўғрисида ҳам ўзига хос асотирий қарашлар мавжуд. Бу юлдузлар билан боғлиқ самовий мифлар ўрта асрларда яратилган "Аттуҳфатул закияту филлуғатит туркия" (Туркий тил (қипчоқ тили) ҳақида ноёб туҳфа)" номли луғатда "қккқ боз ат" атамасига берилган "қутби шимол яқинидаги икки юлдуз номи, шомдан эрталабгача сўнмайди" деган қайдномада ҳам ўз ифодасини топган.

Ўзбек фольклоршунослигининг асосчиси Ҳ.Зарифов томонидан ёзиб олинган мифда Темир қозик юлдузига боғлаб қўйилган Оқбўзот билан Кўкбўзотни ўғирлаш учун Етти қароқчининг тунга бўйи тиним билмай қувиб юриши тасвирланган<sup>3</sup>. Унда

1. Сағалаев А.М. Урало-алтайская мифология. Символ и архетип. - Новосибирск.: Наука, 1991. - С.40. (Sagalayev A.M. Ural-Altai mythology. Symbol and archetype. - Novosibirsk: Science, 1991. - P.40.)

2. Муаллифнинг фольклор экспедицияси материаллари. 2008 йил 23 февралда ёзиб олинган. (Materials of the author's folklore expedition. Written on 23 February 2008.)

3. Зарифов Ҳ. Ўзбек халқ достонларининг тарихий асослари бўйича текширишлар // Пўлкан шоир. Ўзбек халқ ижоди бўйича тадқиқотлар. 4-китоб. - Тошкент: Фан, 1976. - Б.80.

(Zarifov H. Historical foundations of the Uzbek folk epics // Pooh poet. Research on the Uzbek Folklore. Book 4. - Tashkent: Fan, 1976. - P.80.)

айтилишича, Оқбўзот билан Кўкбўзот Етти қароқчининг яқинидаги юлдузларнинг номидир. Қароқчилар туни бўйи отларни ўғирламоқчи бўлишар, аммо ҳар гал тонг отиб, уларнинг режаси амалга ошмай қолаверар эмиш<sup>1</sup>. Венгер олими Ҳ.Вамбери томонидан 1879 йилда чоп этилган асотирда айтилишича, Катта Айиқ юлдузлари — Етти қароқчи, унинг ёнидаги икки юлдуз — Оқбўзот билан Кўкбўзот, уларнинг орқасидаги учта юлдуз эса "Арқон юлдуз" деб аталади<sup>2</sup>.

Каттақўрғонлик Сабоҳат Ўринова бизга айтиб берган асотирда нақл қилинишича эса, Етти қароқчи бир темир қозиққа боғлаб қўйилган икки дулдул отни ўғирлаб олиш учун йўлга чиқибдилар. Улар манзилга етиб келиб, энди отларни ўғирламоқчи бўлишганида осмоннинг бир четидан Ҳулкар юлдузлари чиқиб келар экан. Шунинг учун Етти қароқчи дулдулларни ўғирлай олмай, яна изига қайтиб кетаркан.

Қирғиз мифологиясида эса Кичик айиқ туркумида чўмичнинг учидидаги икки юлдуз "Ак сары ат" ва "Кок сары ат", яъни Оқ сариқ от ва Кўк сариқ от дейилади. Қутб юлдузига узун арқон билан боғланган бу отлар ўша жойдаги яйловда ўтлаб юришар экан. Қароқчилар кечаси билан ана шу отларни қўлга киритиш учун уларнинг атрофида айланиб юришар, аммо тонг отгач, қуруқ қўл билан қайтиб кетишаркан. Бу ҳодиса ҳар куни тунда такрорланаверар экан. Мазкур мифнинг бошқа бир вариантыда айтилишича, "Кўк подшосининг Оқсари от ва Кўк сари от деган иккита яхши тулпори бор эмиш. Улар олтин қозиққа боғлаб қўшилган эмиш. Етти нафар кўк ўғрилари бу отларни ўғирлаш

учун илмоқ ташлашар, аммо арқони етмас эмиш"<sup>3</sup>. Темир қозиқ юлдузига боғлаб қўйилган икки оқ от ва уларни ўғирламоқчи бўлган Етти қароқчи тўғрисидаги миф қозоқ фольклорида ҳам мавжуд. Унда айтилишича, Етти қароқчининг икки томонидаги икки ёруғ юлдуз - икки ботир, уларнинг ёнидаги юлдузлар эса уларнинг отлари эмиш. Оқбўзот билан Кўкбўзот номли бу отлар Темир қозиққа боғлаб қўйилгани учун унинг атрофида айланиб ўтлаб юришаркан. Етти қароқчи бу отларни ўғирламоқчи бўлиб кечаси билан қулай пайт пойлаб чиқар, аммо сергак ботирлар ўз отларига ҳамиша кўз-қулоқ бўлиб туришар, бу орада тонг отиб, ўғрилари ўзларини панага олишга мажбур бўлишар экан<sup>4</sup>.

Татар фольклорида "Акбузат йолдыз, Кукбузат йолдыз, Темирказык бер ялгыз" мақоли қайд қилинганлиги<sup>5</sup> ва унда мазкур уч юлдуз номининг кетма-кет тилга олиниши Волга бўйи туркий халқларининг космогоник мифологиясида ҳам Қутб юлдузига боғлаб қўйилган самовий аргумоқлар тўғрисидаги архаик сюжет мавжуд бўлганлигидан далолат беради.

"Оқбўзот" ва "Кўкбўзот" космономлари ва улар билан боғлиқ астраль мифларнинг шаклланиш тарихи туркий халқлар мифологиясининг архаик қатламига бориб тақалади. Анъанага кўра, қаҳрамоннинг яқин кўмакдоши ва дўсти ҳисобланган эпик от кўпинча оқ ёки бўз (яъни кўк) тусли тулпор сифатида тасвирланади. Элтариш Ҳоқоннинг кичик ўғли шарафига қўйилган қадимги туркий тошбитигида ёзилишича, Қултегин оқ бўз отларини миниб жанггоҳга кирар экан<sup>6</sup>. Бундай отлар эзгулик тимсоли сифатида улуғланганлиги "Ирқ битиги"даги

1. Диваев А. Киргизский рассказ о звездах // ИОАИЭ. Т. XIV. - Казань, 1897. - С. 34.

(Divayev A. Kirghiz story about the stars // IOAIE. T. XIV. - Kazan, 1897. - P. 34.)

2. Vamberi A. Die primitive Cultur des turco-tatar. Volkes. - Leibzig, 1879. - S. 154.

3. Байжигитов К. Қирғиз мифтери, уламыштери жана легендалари. - Фрунзе, 1985. - Б. 28.

(Bayjigitov K. The Legend of the Chestnut, its Legends and Legends. - Frunze, 1985. - P. 28.)

4. Абишев Х. Аспан сыры. - Алматы, 1966, 80-бет.

(Abishev H. Aspan cheeses. - Almaty, 1966, pages 80.)

5. Беркутов В. М. Народный календарь и метрология булгаро-татар. - Казань: Татарское книжное издательство, 1987. - С. 26.

(Berkutov V. M. The national calendar and metrology of the Bulgaro-Tatars. - Kazan: The Tatar Book Publishers, 1987. - P. 26.)

6. Қадимий ҳикматлар / Ўзбек адабиёти бўстони. - Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987. - Б. 23-30.

(Ancient Wisdom / Uzbek Literature. - Tashkent: Literary and Art Publishing, 1987. - P. 23-30.)

"Бўз отли элчи эзгу хабар келтиради" мисраси ҳам тасдиқлайди<sup>1</sup>. Қаҳрамоннинг жанговар отини бўз айғир ёки бўз тулпор деб таърифлаш анъанаси бошқирд эпосида ҳам ўз бадий ифодасини топган.

Атоқли олим Ҳ.Зарифов ўзбек халқ дostonларидаги эпик "от образида кўзга ташланадиган мифологик хусусиятларнинг изларидан яна бири отнинг юлдуз билан боғланиши"нинг тарихий илдизлари астраль мифларга алоқадорлигини "Оқбўзот", "Кўкбўзот" юлдузлари ҳақидаги асотири мисолида илмий асослаб берган эди<sup>2</sup>. Раҳматулла Юсуф ўгли репертуаридаги "Гўрўглининг туғилиши" дostonида тасвирланишича, Гаждумбек билан Равшан Кўктемир отни миниб, Хунхордан қочиб келишаётганида уларнинг орқасидан бир отнинг шобири чиқади. Равшан: "У қандай от?" деб сўраганида, Гаждумбек: "Оқ бўз, бамисоли юлдуз!" деб жавоб беради<sup>3</sup>. Бу ўринда отнинг "оқ бўз" деб таърифланиши ва юлдузга менгзалиши астраль мифология билан боғлиқ эпик талқин ҳисобланади.

Назаримизда, Хоразм эртақларидан бирига сингдириб юборилган қуйидаги астраль мифда ҳам бу юлдузлар тўғрисидаги мифологик қарашлар ўз ифодасини топган. Бу астраль миф "Қирқ ёлғон" номли бу эртақда отини излаб осмонга сафар қилган қаҳрамоннинг саргузаштлари баён қилинган бир лавҳада шундай акс эттирилган: "мен қўлимни узатиб, булутларни қўлим билан ёриб қарасам, жийрон бия билан тўриқ қулун Зухра юлдузининг ўнг томонида, Етти оғайнининг ёнбошида, бир тоғнинг

ёнбағрида, акамнинг йилқиларига кўшилиб юрибди"<sup>4</sup>. Кўринадики, "жийрон бия билан қулун", яъни икки отнинг Етти оғайни юлдузи ёнида деб тасвирланиши Оқбўзот ва Кўкбўзот тўғрисидаги мифнинг эпик талқинини эслатади.

Тилшунос олим А.К.Боровков томонидан XX асрнинг 20-йилларида ёзиб олинган болалар фольклори намуналаридан бири - қизлар аргимчоқ учаётганда айтиладиган қуйидаги қўшиқда ҳам самовий аргумоқлар тўғрисидаги мифологик тасаввурлар акс этганга ўхшайди:

*Ҳалинчагим жўнасин,  
Сариқ отим сақлансун,  
Кўк отим кўклансун,  
Пушти отим пишлансун,  
Оқ отим оқлансун*<sup>5</sup>.

Фольклоршунос Ш.Галиев ушбу қўшиқда қўлланилган ранглар тимсолининг поэтик маъноларини фасллар билан боғлайди. Унинг фикрича, "ана шу поэтик рамзлар тили воситасида юқоридаги қўшиқни таҳлил қиладиган бўлсак, қуйидаги ифодаларга эга бўламиз: "кўк отим кўклансун" – кўклам келиб, бутун олам ям-яшил либосга бурканиши; "сариқ отим сақлансун" – мева-чевалар гарқ пишган ёз тимсоли, умуман олганда, сариқ - пишиқчилик тимсоли; "пушти отим пишлансун" – япроқлар саргайиб, хазонрезги билан бошланадиган куз фасли; "оқ отим оқлансун" – оппоқ қор билан ўтадиган қишнинг поэтик аналогини"<sup>6</sup>.

1. "Қадимий ҳикматлар". - Б.49.

("Old Wisdom". - В.49)

2. Зарифов Ҳ. Кўрсатилган мақола. - Б.80.

(Zarifov H. The specified article. - P.80.)

3. Гўрўгли дostonлари. 1.Гўрўглининг туғилиши. - Тошкент: Ёзувчи, 1996. - Б.46.

(Gurugli epics. 1. Birth of Gurugli. - Tashkent: Writer, 1996. - P.46.)

4. Хоразм эртақлари. Нашрга тайёрловчи: Ф.Абдуллаев. - Тошкент, 1961. - Б.174-175.

(Khorezm tales. Revisionist: F.Abdullayev. - Tashkent, 1961. - B.174-175.)

5. Боровков А.К. Игры узбекских детей // Сборник научного кружка при Восточном факультете Среднеазиатского государственного университета. Вып.1. - Ташкент, 1928. - С.35-36.

(Borovkov A.K. Games of Uzbek children // Collection of a scientific circle at the Eastern Faculty of the Central Asian State University. Issue 1. - Tashkent, 1928. - P.35-36.)

6. Галиев Ш. Ўзбек болалар ўйин фольклори. - Тошкент: Фан, 1998. - Б.69.

(Galiev Sh. Turkish children's folklore. - Tashkent: Fan, 1998. - P.69.)

Назаримизда, болалар поэтик фольклори намунаси сифатида қайд этилган бу қўшиқда Темир қозик юлдузи ва унга боғлаб қўйилган отлар тўғрисидаги миф акс эттирилган.

Оқбўзот ва Кўкбўзот образлари поэтик тимсол сифатида халқ лирикасида, хусусан, Ёзи билан Зебонинг самимий муҳаббатини тараннум этувчи халқ қўшиқларида ҳам учрайди:

***Оқ бўз от, кўк бўз от жоним бўз от,  
Қадамингни роса бос, бўйнингни узат,  
Сен агар Зебожонга гулим етказсан,  
Бошингдан нўхтангни олиб қилай озод!***

Оқбўзот ва Кўкбўзот юлдузлари тўғрисидаги қадимги туркий мифларнинг

келиб чиқиши ажодларимизнинг ҳаёт дарахти ёки дунё оғочи вазифасини бажарувчи самовий тоғлар ҳақидаги эътиқодий қарашлари билан ҳам боғланади. Қадимги мифологияда самовий тулпорлар оламнинг киндиги, яъни қоқ марказида қад кўтариб турадиган дунё тоғининг устида яшайди деб тасаввур қилинган.

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек халқ оғзаки бадиий ижодида сақланиб қолган астромифологик тасаввурларнинг қиёсий-типологик таҳлили шуни кўрсатадики, туркий халқлар фольклоридаги Темир қозик, Оқбўзот ва Кўкбўзот тўғрисидаги мифларнинг сюжети тарихий-генетик жиҳатдан муштарак негизга бориб тақалади.

---

ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор архиви. Инв.№5902. Форишлик 64 яшар Ният Худойбердиевдан С.Асқаров ёзиб олган.

(Folklore archive of the Institute of Uzbek Language, Literature and Folklore of Academy of Sciences of Uzbekistan. Inv.№5902. Forishlik 64-year-old Niyat Hudoyberdiev from S. Askarov has been recovered.)